

Профилактик дезинфекция ишларини олиб бориш учун
_____ - сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

« ____ » _____ 20__ й.

_____ номидан, Низом асосида иш юритувчи _____ «Иш бажарувчи» бир тарафдан ва иккинчи томондан «Буюртмачи» _____, рахбар _____

Низомга асосланган холда қуйидагилар хақида Ушбу шартномани туздилар:

Шартноманинг амал қилиш муддати: 20__ « ____ » _____ дан
 20__ « ____ » _____ гача

1. Шартнома предмети.

1.1 «Иш бажарувчи» «Буюртмачининг» топшириғига асосан профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация хизматларини кўрсатади, буюртмачи эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб унинг хақини тўлаш мажбуриятини олади

№	Ишларнинг тури	Ўлчов бирлиги	Иш хажми (м ²)	Йилда неча марта	Ўлчов бирлиги нархи (сўм) 1 м ²	Ойда неча марта	Йиллик тўлов суммаси (сўм)	ҚҚС билан етказиб бериш нархи
			Физик майдон					
1								ҚҚС сиз
2								
3								
4								
5								

Суммаси сўз билан ёзилади: _____ ҚҚСсиз сўм.

Ойлар	Жумладан ойма –ой тўлов хақи (Сўм)											
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
Суммаси												

1.2 Иморатни, бинони, хоналарни, ховли, санитария қурилмаларини худудининг қурилмаган қисмларини ишлов бериш тартибини ва мухлатини «Иш бажарувчи» белгилайди. «Буюртмачи» шартномада курсатилган объектларда бир вақтнинг узида бир йўла барча турдаги тадбирлар буйича иш олиб боришни талаб қилолмайди, чунки дезинфекция ишларини утказиш регламенти соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган курсатма ва услубий қулланмаларга асосан олиб борилади.

1.3 «Буюртмачи» хашоротлар ва кемирувчиларга қарши қурашиш шартномасига объектнинг барча майдонларини: яъни умумий фойдаланадиган асосий майдон, сўнг яшаш хоналари, йўлаклар, девор жавонлари, санузел, ошхона, зинапоя, холл, майдон ва ёрдамчи майдонлар (ертўла, чердак, техник ертула ахлат камераси, сарой, гаражхона ва бошқа қурилмалар ва х.к.) ва қурилмаларни йўқ майдонларни киритади.

1.4 Майдон хажми фақат техник хизмат бюроси (БТИ) томонидан берилган техник паспорт асосида белгиланади.

1.5. Дезинфекциянинг барча турлари бўйича ишлар «Буюртмачи» томонидан шартноманинг умумий суммасидан олдиндан 30 % миқдордаги тўловни, ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг, 5 (беш) банк кун ичида амалга оширади. Қолган 70 % миқдордаги суммани эса, «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига 5 (беш) банк куни ичида, иш бажарилгани тўғрисидаги далолатнома ҳамда ҳисоб-фактуралар асосида тўловни амалга оширади..

2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб - китоблар тартиби.

2.1. Дезинфекциянинг барча турлари бўйича ишлар «Буюртмачи» томонидан ушбу шартнома тасдиқлангандан сўнг, 5 (беш) банк кун ичида амалга оширади. «Иш бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига 5 (беш) банк куни ичида, иш бажарилгани тўғрисидаги далолатнома ҳамда ҳисоб-фактуралар асосида тўловни амалга оширади..

3. Иш бажарувчининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.

3.1. Профилактик дезинфекция ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан рухсат этилган дез.моддаларни қўллаш.

3.2. Рухсат этилган ва амалда қўлланилаётган ташкилий – методик кўрсатма ва йўриқномаларга асосан ишлаш.

3.3. «Буюртмачи»га ишлатилаётган дез.моддалар ҳақидаги эҳтиёт чоралари бўйича тушинтириш ишларини олиб бориш.

3.4. «Буюртмачи» ҳудудида кемирувчи хашоротлар тарқалишига омил бўладиган шароит ва сан-техник камчиликларни топиши ва уларни бартараф этиш йўл – йўриғини «Буюртмачи»га тушинтириш.

3.5. «Буюртмачи» объектга кемирувчи хашоротларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида профилактик текширув назоратини ўтказиш.

3.6. Кемирувчи ва хашоротлар борлиги аниқланган тақдирда уларга қарши жадал кураш ишларини олиб бориш.

3.7. Барча ҳудудда иш олиб бориш учун шартнома тузилган бўлса, кемирувчилар сонини (дератизация ишлари бошлангач камида 3 ойдан сўнг) хашоротлар сонини (камида 6 ой муддат ичида), энг кам миқдорга етишини таъминлаш. Шунингдек, «Буюртмачи» дан дезинфекция ишларини хавфсизлигини ва самарадорлигини шартноманинг 6 – бўлимига асосан таъминлашни талаб қилади.

4. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Ушбу шартнома учун маъсул шахсни тайинлаш. Бу шахс объектнинг, ахлат камераларининг санитария ҳолати, корхона ҳудудининг тозаллиги учун жавоб беради, объектни текшириш ва ишлов беришда ҳамроҳ бўлади ва қилинган ишлар учун ҳужжатларни имзолайди ва корхона муҳри (штампи) билан тасдиқлайди.

Маъсул шахснинг Ф.И.О. мансаби, телефон рақами, имзо намуналари:

4.2 Ишлов берилаётган объектларда барча техника хавфсизлиги чораларига амал қилишни таъминлаш (қўлланиладиган дез моддага нисбатан) «Иш бажарувчи» нинг талабига асосан дезинфекция тадбирларини ўтказиш учун объектларда иш жадвалини белгилаш.

4.3 Биноларни ишлов бериш учун ўз қақтида сифатли тайёрлаш.

4.4. Хурақлар қўйиш учун зарур бўлган мосламаларни тайёрлаш ёки сотиб олиш (назорат майдончалари, хўрақ яшиқларни ва х.к.) ва «Буюртмачи» ҳудудида уларнинг йўқолиб кетмаслигини таъминлаш.

4.5. Барча хоналарга кириш имконини таъминлаш, уларни ёритиш, электр хавфсизлигини таъминлаш, ертўлаларни сувдан тозалаш ва қуриштириш, зинапояларни, тутқичларни, полларни таъмирлаш ва бошқа техник хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитларини таъминлаш.

4.6. Дератизация ўтказувчи шахсларни ишлашларига қулай шароит яратиб бериш учун девор томондан камида 70 см. очиқ жой қолдириш, стеллажларнинг пастки томони ердан камида 25 см. юқори бўлишини таъминлаш.

4.7. «Буюртмачи»нинг талабига асосан кемирувчилар уяларини, турли тешиқ ва ковакларни беркитиб ташлаш учун материал ва ишчи кучи билан таъминлаш.

4.8. Кемирувчилар ва хашоротлар кўпайиши ва яшаш учун қулай шароитларни бартараф этиш.

4.9. Ўлган кемирувчи (каламуш, сичкон) хашоротларни ўз вақтида тозалашни ташкиллаштириш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари.

5.1. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Иш бажарувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5.2. Дезинфекциянинг барча турлари бўйича ишлар «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган 30% олдиндан тўлов суммаси тўлангач ва бу ҳақда кун ва рақами ёзилган тўлов қоғози кўрсатилгач, амалга оширилади. «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан Ушбу шартноманинг 3 – бўлимида кўрсатилган талаблар бажарилгач, тадбирларни олиб боришга киришилади.

5.3. «Буюртмачи» томонидан кўрсатилган 30% олдиндан тўлов суммаси тўлангач «Иш бажарувчи» барча турдаги дезинфекция ишларини ўз вақтида бажаришни бошламаси, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5 % пеня тўлайди. Бирок, пеня бажарилмаган ишларнинг умумий суммасининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.4. «Иш бажарувчи» кемирувчилар ва хашоротлар томонидан етказилган зарар учун жавобгарликни бўйнига олмайди, чунки унинг фаолияти уларнинг сонини камайтиришга қаратилган.

5.5. Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада кўрсатилган мажбуриятлар (Ушбу шартноманинг 2 – бўлимига қаранг) бажарилган тақдирда «Буюртмачи» томонидан шартнома муддатидан аввал бекор қилинса, бундай ҳолда «Буюртмачи» қолган суммани тўлашга мажбур.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Агар келиб чиққан низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этиб бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан, Худудлараро Иқтисодиёт суди орқали ҳал этилади.

7. Форс – Мажор ва жавобгарликдан озод этиш.

7.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларни олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дул, жала, табиий офатлар, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемиялар, уруш ва ҳарбий ҳаракатлар ва бошқалар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

8. Қўшимча шартлар.

8.1. Иқтисодий ўзгаришлар бўлган тақдирда (дез.модда ва маҳсулотлар нархи, ойлик маошлари тарафлар асосида ошганда ва х.к.) «Иш бажарувчи» қўшимча келишув асосида нархларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

8.2. Объектда илон, чаён каби захарли кушандаларга қарши кураш тақозо этилган тақдирда ортиқча сарфланган кимёвий моддалар баҳоси қўшимча ҳақ сифатида тўланиши шарт.

9. Шартноманинг муддати.

9.1. Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томони бу ҳақда бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, ақс холда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

9.2. Томонлар ўртасида тузилган шартнома имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради ва « » 20 йилгача амал қилади.

9.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси «Иш бажарувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да сақланади.

10. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва тулов реквизитлари.

«Иш бажарувчи»

«Буюртмачи»

М.У.

М.У.
